

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БОЖ ТАРИФ
ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ЎРНИ

А.Суюнов

Божхона институти доценти,

А.Муқимов

Божхона институти мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақола озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда тариф имтиёзларининг ўрнига бағишиланган. Халқаро ташкилотларнинг озиқ-овқат хавфсизлигидаги тариф имтиёзларининг ролини қўрсатувчи илмий қарашлари ҳамда статистик маълумлотлар асосида ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашдаги мавжуд имкониятлар таҳлили келтирилган.

Таянч сўзлар: Озиқ-овқат хавфсизлиги, жаҳон бозоридаги нарх, бож тариф сиёсати, имтиёз ва преференциялар.

Кириш

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги - бу мамлакатлар миллий хавфсизлигининг ажралмас қисмидир. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятли ижтимоий-иктисодий вазифалар сирасига киради. Бугунги кунда бу масала барча мамлакатлар учун бирдек устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётини шакллантираётган мамлакатларнинг олдида турган муҳим муаммолардан бири табиий ресурслар миқдори чекланган ва сифати ёмонлашиб бораётган шароитда аҳолини иқтисодий ва жисмоний жиҳатдан етарли озиқ-овқатларга бўлган, ўсиб бораётган талабини қондиришдан иборат.

Охирги икки йилда жаҳонда озиқ-овқат инфляцияси йилига 15-20 фоиздан пасаймаяпти, ўсимлик ёғи, сут ва гўштнинг жаҳон нархи сўнгги 30 йилдаги, дон маҳсулотлари ва шакар эса сўнгги 10 йилдаги энг юқори даражага қўтарилиган.

Экспорт-импортда логистика, ўғит ва ёқилғи харажатлари ошиб кетгани ҳам озиқ-овқат нархларига ўз таъсирини қўрсатаяпти. Таҳлилларга кўра, бу ҳолат 2023 йилда ҳам, келгуси йилларда ҳам сақланиб қолади.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини этиштиришга 200 минг гектар ер ажратилгани, 500 минг гектар қўшимча ерлар оборотга киритилгани ички бозордаги нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва экспортни кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Лекин, аҳоли сони ўсиб бораётгани, жаҳондаги нобарқарор вазият, логистикадаги узилишлар озиқ-овқатни кўпайтириш бўйича олдимизга янада катта вазифаларни қўймоқда.

2022 йилда 1 минг 273 та тадбиркорлик субъектлари томонидан олиб кирилган 470,2 минг тонна шу турдаги товарлар учун 475,4 миллиард сўм

божхона божи тўланган. Табиийки, тадбиркор божхона божи сифатида тўлаган бу маблағни товарнинг таннархига киритади ва бунинг юки оддий истеъмолчи ва харидорга тушади.

Республика аҳолисининг алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозоридаги ижтимоий аҳамиятга эга товарлар нархлари сунъий ва асосиз оширилишининг олдини олиш, шунингдек, тариф ва нотариф тартибга солиш воситаларини кенг қўллаш ҳисобига уларнинг инфляция даражасига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги фармони билан:

айрим турдаги товарларга нисбатан жорий қилинган имтиёзларнинг амал қилиш муддат 2024 йил 1 январга қадар узайтирилди;

23 турдаги товарлар хориждан олиб келинганда уларга нисбатан божхона божларининг нол ставкалари белгиланади (рўйхатга гўшт, балиқ, чой, турли ёғлар, ун, банан каби деярли ҳар куни истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари киритилган);

савдо-иқтисодий муносабатларда энг қўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан божхона божининг икки баравар ставкаси қўлланилмаслиги белгиланди;

2022 йил 1 июндан бошлаб пахта, кунгабоқар, маккажўхори ва соя ёғи Ўзбекистон Республикаси божхона худудидан ташқарига олиб чиқиши (экспорт қилиш) вақтинчалик тақиқланди.

Мазкур фармон асосида 2022 йилда ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 431 та тадбиркорлик субъектлари хориждан олиб келган 301,2 минг тонна товарлари учун божхона божидан 905,4 миллиард сўм имтиёзлар қўлланган. Ваҳоланки, ушбу имтиёзлар мавжуд бўлмаганида эди, табиийки, бу сумма ҳам олиб кирилган маҳсулот таннархи устига қўшилиб, харидорга етиб борган бўларди.

Ўзбекистон ҳозирга қадар 47 та давлат билан савдо-иқтисодий муносабатларда энг қўп қулайлик бериш режимини жорий қилган. Яъни, мазкур давлатлар рўйхатига кирмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар республикамизга олиб кирилганида, божхона божининг икки баравар ставкаси қўлланарди. Ушбу амалиёт ҳам 2023 йил 1 июлга қадар бекор қилинган бўлса, энди бу муддат 2024 йил 1 январга қадар узайтирилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонга олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотларини давлат тилида мажбурий маркировка қилиш тартиби ҳам вақтинчалик тўхтатилди. Бу эса хориждан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келишда биринчи галда тезкорликни таъминлайди, натижада озиқ-овқат бозорида миқдор жиҳатдан ҳам, нарх жиҳатдан ҳам барқарорликни сақлашга хизмат қиласди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё мамлакатлари олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. БМТ маълумотларига кўра, ҳозирда жаҳон аҳолисининг 815 миллион нафари оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу сон 2 млрд. кишига етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқмоқда⁸².

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш давлатлар олдида турган долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мавзунинг долзарблилиги ва мавзуга оид адабиётлар таҳлили

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти таърифига кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги – барча аҳолининг ҳаёт кечириши учун ҳажм ва сифат жиҳатдан етарли бўлган озиқ-овқатга ҳам жисмоний ҳам иқтисодий имкониятларнинг етарлилигидир⁸³.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва у билан боғлиқ масалалар давлат миқёсида алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бу тегишли ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар ва уларинг ижросида ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари **нархлари ўсишининг сабаблари** қўйидагилардан иборат:

аҳоли сонининг тез ўсиши (жаҳон аҳолисининг йиллик ўртacha ўсиши 85 млн. кишини ташкил этмоқда);

озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган истеъмол талабининг ўсиши ва таркибини сифатли маҳсулотлар ҳисобига ўзгариши (rivожланаётган мамлакатларда турмуш фаровонлигини ортиши дон маҳсулотларини истеъмол қилишдан мева-сабзавот, гўшт, сут ва балиқ маҳсулотларини истеъмол қилишга ўтмоқда);

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлик суръатларининг пасайиши (Марказий Осиё мамлакатларида дон маҳсулотлари ҳосилдорлиги иқтисодий салоҳиятнинг 35%ни ташкил этмоқда);

глобал исиш туфайли иқлимининг ўзгариши⁸⁴.

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади⁸⁵.

⁸² “Иқтисодиёт барқарорлигини мустаҳкамлашда солик имтиёzlари самарадорлигини ошириш йўллари” С.Гиясов, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил

⁸³ Состояние продовольственной небезопасности в мире 2001 (The State of Food Insecurity in the World 2001). Рим: Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (ФАО), 2002

⁸⁴ “Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари”. Республика илмий – амалий анжуmani илмий мақолалар ва маъruzalар тўплами. (2016 йил 15 декабрь) – Т.: «ТДИУ», 2016. – 6 б.

⁸⁵ Абулкосимов Ҳ.П. “Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги”. Ўқув қўлланма.-Т.: Akademiya, 2012.- 162-бет.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришнинг муҳим йўналиши қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ҳисобланади.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга **Мурожаатномасида** “Камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир. Бунда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртacha 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим” - деб таъкидлаган⁸⁶.

Мавзуга оид статистик таҳлиллар

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 1991-2022 йилларда ўсиши уларнинг бу борада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган рационал истеъмол меъёрларига нисбатан бирмунча яқинлашганлигидан, аммо асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари: **картошка, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, мева ва резаворларни** аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш уларнинг рационал истеъмоли меъёрлари даражасидан бирмунча паст кўрсаткични қайд этмоқда (1-жадвал).

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақиқий истеъмол даражасининг рационал истеъмол меъёрларига нисбатан ўзгариши динамикаси⁸⁷


Маҳсулот турлари	ЖССТ бўйича рационал истеъмол меъёри (кг/1 киши, 1 йилда)	ЎзР бўйича рационал истеъмол меъёри (кг/1 киши, 1 йилда)	ЖССТ меъёрларига нисбатан (%)		Ўзбекистон Республикаси ССВ меъёрларига Нисбатан (%)	
			1990 й.	2022 й	1990 й.	2022 й
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	70,1	73	4,2	66,1	42,5	59,2
Сут маҳсулотлари	404	413	45,3	66,8	44,3	65,4

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 30 декабрь.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Шакар, кондитер маҳсулотлар и қўшилганда	36,5	40,5	32,8	85,5	29,6	77,03
Картошка	40	42	17,4	85,5	17,8	85,2
Сут	250	260	24,6	91,0	21,8	80,7

**Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол даражасининг
рационал истеъмол меъёrlарига нисбатан**




Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, картошка, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, мева ва резаворларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш уларнинг рационал истеъмоли меъёлари даражасидан **бирмунча камдир**.

Статистик таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда мамлакатимизда импорт тартибида кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ортиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда 0,5 млрд. АҚШ долларга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари импорт қилинган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 2,9 млрд. АҚШ долларни яъни деярли **6 баробарга ортганлигини** кўрсатмоқда⁸⁸.

Бу кўрсаткичларнинг ошиб боришига мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши билан бирга Ўзбекистоннинг халқаро саводдаги **тариф имтиёзларини либераллаштириши** билан ҳам боғлиқ.

⁸⁸ Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси

Озиқ-овқат махсулотлари импорти (млн. АҚШ доллар)



Шу аснода, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Жаҳон савдо ташкилоти талаблари асосида импорт товарлари учун тариф имтиёзларини қўллаш асосий восита бўлиб ҳисобланмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартағи “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-41-сон Фармонига биноан 2024 йил 1 январга қадар 36 турдаги товарлар божхона божидан озод этилди.

Таҳлилларга кўра, Фармон қабул қилиниши ҳисобига 1200 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг 500 млрд. сўм маблағлари ўз ихтиёрларида қолиши кутилмоқда.

Шунингдек, 23 турдаги товарларга нисбатан 2023 йил 1 июлга қадар божхона божларининг ноль ставкалари қўлланилиши 2024 йил 1 январга қадар узайтирилди. 2022 йилда ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 431 та тадбиркорлик субъектларининг хориждан олиб келган ушбу 23 турдаги товарлари (оғирлиги: 301,2 минг тонна) учун божхона божидан 905,4 млрд. сўм имтиёзлар қўлланилган⁸⁹.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистон ҳозирга қадар 47 та давлат билан савдо-иқтисодий муносабатларда энг қўп қулайлик бериш режимини жорий қилган. Мазкур рўйхатга кирмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар республикамизга олиб кирилганида божхона божининг икки баравар ставкасини қўллаш белгиланган. Ушбу амалиёт ҳам мазкур Фармонга асосан 2024 йил 1 январга қадар бекор қилинди.

Рўйхатдаги 36 та гуруҳга кирадиган 1000дан ортиқ маҳсулот нархлари арzonлашади. Цитрус меваларга олдинроқ имтиёз берилганди. Яъни бу қарорда 36 турдаги товарлар гуруҳига божхона божлари олиниши билан бирга аввалги 25 турдаги товарларга нисбатан имтиёз ҳам чўзилди. Умуман олганда, имтиёзда олиб кирилаётган товарлар сони 60-70тага етди. Олма, нок нархлари, бундан ташқари жуда кенг товарлар гуруҳи – пишлоқлар, сут маҳсулотлари, гўшт, балиқ консервалари, қандолат маҳсулотлари, болалар озуқаларининг нархлари орzonлашади. Болалар кашаси учун божлар ставкаси ноллаштирилгач, 20 фоиз арzonлашади.

Хулоса

Ташқи савдони тартибга солиш давлат воситалари характерига қўра мамлакат иқтисодиётiga бевосита таъсир этиб, уни самарали тартибга солиш миллий иқтисодиётни ривожланишига замин яратади.

Мамлакатимизда ташқи савдони тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибаларни, халқаро принциплар ва нормаларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг асосий қисмини тариф усули ташкил қиласи. Тариф усулининг асосини бож тарифи, яъни божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси принциплари ва қоидаларига асосан бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкалар тўплами ташкил этади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, сўнгги йилларда мамлакатимизга импорт қилинган товарлардан ундирилган божхона тўловлари тушумида импорт божхона божининг улуши **15-16 фоизни** ташкил этмоқда.

Импорт божхона божи миқдорининг либераллаштирилиши натижасида, божхона органлари томонидан **2017-2021 йилларда** Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркибидаги улуши **6,4 фоизга камайган**.

⁸⁹ Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси

Маълумки, ҳозирда Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу ташкилотга аъзо мамлакатлар ЖСТ белгилаб берган талаблар асосида ягона тариф ставкаларини белгилайдилар.

Шу сабабли, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари учун тариф ставкаларининг пасайтириб борилиши ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашувини янада тезлаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-145-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартағи “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-41-сон Фармони.